O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

БУГУНГИ СОНДА:

✔ Ҳуқуқий маслаҳатхона
ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ? 2

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК
Жорий йилнинг 26 январида Ҳиндистон миллий байрами — Республика кунининг 59 йиллиги нишонланади. 3

ҚАДИМ КЕНТ БОЗОРЛАРИ
Тошкент — азалдан Буюк Ипак йўлида жойлашган сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказлардан бири бўлган. 4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

№ 3 (707) 2009 йил, 23 январь, жума

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ САМАРҚАНДДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида кутиб олди.

Ўзбекистон-Россия муносабатлари иттифоқчилик ва стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтармоқда.

Ўзбекистон ва Россия муносабатларида иқтисодий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган юзлаб қўшма корхона фаолият юритмоқда. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бизнес-форумлар, кўргазмалар мунтазам равишда ўтказиб келинаётир. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Россия Президенти Дмитрий Медведев Улуғбек расадхонасини, Ҳазрати Дониёр ва Гўри Амир мақбараларини зиёрат қилди. Миллий меъморчиликнинг ноёб обидаларидан бири Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Мажмуадаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари Россия Президентида унутилмас таассурот қолдирди. Президентлар бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар. Дмитрий Медведев Самарқанд қоғози тарихи билан қизиқди. Олий мартабали меҳмонга миллий давлатчилигимиз, қадимий обидалар тарихи, юртимизда қадимдан шаҳарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожланган ҳақида маълумот берилди. Икки давлат раҳбарлари, шунингдек, Сиёб бозорини бориб кўрдилар.

Қадимий шаҳар билан танишувдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанддаги қароргоҳида Ислом Каримов билан Дмитрий Медведевнинг суҳбати бўлиб ўтди.

— Сизни бой тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳрида қутлашдан мамнунман. Бу шаҳарни бир бор кўрган одам уни қайта-қайта зиёрат қилгиси келади. Самарқанднинг ўзига хос, бетакрор ҳавоси, иқлими, табиати бор. Ишонаманки, бу ердаги учрашувлар, умуман ташриф Сизда унутилмас таассурот қолдиради, — деди Ислом Каримов.

— Ўзбекистонга таклифингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этаман. Ташриф Самарқанддан бошлангани чуқур рамзий маънога эга. Шаҳар менга жуда ёқди. Жаҳон цивилизациясининг дурдоналаридан бўлган ушбу шаҳар ўзининг тарихий салоҳияти билан ҳам, кўплаб тарихий воқеалар шу ердан бошлангани билан ҳам башарият тарихида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз томоша қилган тарихий обидалар бир умр ёдда қолади. Ниҳоятда гўзал шаҳар. Сизнинг бу шаҳарнинг ўзига хос ҳавоси, иқлими, табиати борлиги ҳақидаги фикрингизни тўла қўллаб-қувватлайман. Бозордаги тўкинлик, одамларнинг очиқ чеҳралари мени ҳайратга солди, — деди Дмитрий Медведев.

Шу куни оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Президенти Дмитрий Медведев Тошкентга келди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Самарқанд-Тошкент

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

Қарши Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчилари билим олиш билан бирга турли кўрик танловларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгалламоқда. Коллеж ўқувчиси Маҳлиё Абдураҳмонова "Келажак овози" Республика кўрик танловида "Архитектура ва дизайн" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Суратда: *танлов ғолиби М.Абдураҳмонова.*
Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

✔ Таҳлил ва талқин

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ

халқ фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастур ва ташаббусларни дадил кўтариб чиқишлари лозим

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида сиёсий партияларга бўлган эътибор ва шунга монанд равишда талаб ҳам ошди. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонун асосида маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари учун юзага келган ваколат ва шу билан бирга, катта масъулият улар фаолиятида ташаббускорликни ошириш, депутатлик гуруҳлари ишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақазо этмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлигига ҳам бир йилдан ошди. Хўш, депутатлик гуруҳлари партия дастурий мақсадларини амалга оширишда қай даражада ҳисса қўшяпти? Бу борадаги муаммо ва камчиликлар нималардан иборат?

Одатда, сиёсий партияларнинг ғоялари фуқароларнинг дунёқараши ва орзу-истакларига ҳамоҳанг бўлса, ўша партиянинг аъзолари кўпайиб, фаолияти янада самарали бўлади. Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган турли сиёсий тадбирларда иштирок этиб, тобланиб келаётган «Адолат» СДП ўз стратегияси, мақсад ва ғоялари сари олға интилмоқда. Турли мавзуларда жойларда мунтазам ўтказиб келинаётган анжуман ва учрашувлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсиб, ўзгармоқда. Албатта, партиянинг халқ орасида обрў-эътибор қозониши унинг ғоя ва мақсадларига оммани қай даражада ишонтира олишига боғлиқ. Бу ўз навбатида партия фаолиятини холисона баҳолаш учун ўзига хос мезон ҳисобланади. Бугунги кунга келиб демократик сайловлар асосида шакилланадиган давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг роли босқичма-босқич ошиб бораётир. Хусусан, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида сиёсий партиялардан сайланган депутатлик бирлашмалари жойларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, «Адолат» СДП депутатлик бирлашмалари ҳудудий Кенгашлар сессияларида ташаббуслар билан чиқиш, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган муҳим масалаларга давлат ҳокимияти органлари эътиборини қаратиш борасида муайян тажрибалар тўплади. Айрим ҳудудлардаги партия депутатлик гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан зарур таклифлар билан ҳам иштирок этиб, улар ижросини таҳлилий назорат қилиш механизмидан самарали фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 январь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси F.Сафаров «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур тузатишлар баҳолаш ташкилотлари фаолиятини, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини, тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳадаги бошқа масалаларни тартибга солувчи нормаларни янада аниқроқ белгилаш мақсадини кўзлайди. Ҳужжатнинг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиққан батафсил муҳокамасидан сўнг Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

(Давоми 2-бетда).

7 кун нафаси

МАЖМУА ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАНДИ

"Тошкентдонмаҳсулотлари" акционерлик жамиятига қарашли омухта ем тайёрлаш мажмуаси Нидерландиядаги "Wynveen Internashinal" компаниясининг замонавий ускуналари билан қайта жиҳозланди. Натижада тежамкорликка эришилиб, иш самарадорлиги ошди. Айни пайтда корхонада етти хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

СПОРТ ИНШООТИ

Тахтакўпир тумани марказида замонавий ёпиқ спорт зали фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёшларнинг спортнинг волейбол, енгил атлетика, шахмат-шашка, кураш, мини-футбол каби ўнлаб турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Албатта, унинг ишга тушиши болалар спортини ривожлантиришига қаратилган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР

Пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида 900 минг АҚШ долларига тенг инвестиция киритилиши эвазига ташкил этилган "Daeshin megatex" қўшма корхонасида кунига ўн минг дона трикотаж либослари тайёрланмоқда. Маҳсулот сифатлилиги, замонавийлиги боис ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Шу сабабли келгусида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошиши кутилмоқда. Айни пайтда бу ерда 320 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

СЎЗАНАЛАР НАМОЙИШИ

Шу кунларда Республика Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Сурхон оҳанглари" деб номланган сўзаналар намойиши бўлиб ўтаётир. Бу ерда халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналари — миллий каштачилигимизни ўзида акс этган асарлар намойиш этилмоқда.

Кўргазма шу ойнинг охирига қадар давом этади.

ҚУЛАЙЛИК ВА ИМКОНИЯТ

Яккабоғ туманидаги Жарқирғиз қишлоғида "Грант-Кварц" корхонаси ишга туширилди. Хорижданг келтирилган илғор техникалар билан жиҳозланган ушбу корхонада бир кеча-кундузда 35 минг дона ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг ишга туширилиши маҳаллий қурилиш ташкилотларига анча қулайлик туғдирди ва ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қондирди. Қувончлиси, ўнлаб қишлоқ ёшлари ишли бўлишди.

ЯНГИ КОРХОНА

Яқинда Бухоро туманидаги Қавола қишлоғида — "Ростексстрой" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Асосан хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган мазкур корхонада момиқ сочиқлар ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки ойда бу ерда 35 минг дона сифатли маҳсулот тайёрланди.

Шуниси диққатга сазоворки, қўшма корхонага хом ашёлар Бухоро вилоятидаги "Пешкутекс" ва Навоийдаги "Бахттекс" корхоналаридан келтирилмоқда. Корхона ишга туширилиши билан 30 киши иш билан таъминланди. Йил давомида иш ўринлари сонини 80 тага етказиш кўзда тутилган.

Корхонанинг келажагига кўпчилик катта умид боғламоқда. Чунки бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 80 фоиздан ортиғи хорижга экспорт қилинмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Adolat" мухбири.

✔ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Музработ туманидаги «Қўнғирот» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида қайта реконструкциядан сўнг замонавий кўриниш касб этган ва сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАСКАНИ

— Энди 14 мингга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилди, — дейди қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Муборак Мамадалиева. — «Саломатлик» лойиҳаси доирасида қонни таҳлил қиладиган лаборатория ва замонавий хирургия ускуналари, бошқа тиббий жиҳозлар ўрнатилди. Айни пайтда касалликлар шу ернинг ўзида аниқланиб, тегишли муолажалар қилинмоқда. Бу эса тиббий текширувлар қамровини кенгайтиришга, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга ёрдам бераётир.

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотига кўра, ҳозирда воҳада 242 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

✔ Фракция фаолияти

ҚОНУНЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА — ҲАЁТ ФАРОВОНЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни кучга кирганлиги хусусан 2008 йилда мамлакат Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятига янгича омил бахш этди. Мазкур Қонун, айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг парламент қуйи палатасидаги роли ва аҳамиятини янада кучайтирди, сиёсий партиялар электорати манфаатларини ифодаловчи қонун лойиҳалари тáшаббуси билан чиқиш борасидаги фаоллигини оширди. Бу ҳол фракцияларарo курашнинг кучайганлигида, қонун лойиҳалари бўйича фракцияларнинг аниқ нуқтаи назарини ишлаб чиқишда яққол кузатилди ва кузатилмоқда. Табиийки, бу — қабул қилинаётган қонунлар сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУНЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА — ҲАЁТ ФАРОВОНЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, палата томонидан биргина Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга, террорчилик фаолиятига чек қўйишга, ядровий терроризм ҳаракатлари, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган халқаро шартномаларни ратификация қилиш ҳамда уларга қўшилиш тўғрисида 10 та қонун қабул қилинди. Йил давомида депутатлар томонидан 5 та қонун лойиҳаси киритилди. Шу кунларда яна 10 та қонун лойиҳаси устида ишлар давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, барча қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасининг мажлисларига киритилишидан олдин сиёсий партиялар фракцияларида муҳокама қилинди. Ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар қонунларни қабул қилиш чоғида инобатга олинди. Қолаверса, Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик яхшиланди. Депутатлар қонун лойиҳаларининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар даражасида тайёрланиши босқичидаёқ фаол иштирок этиш кўникмасини тўла эгаллаб олдилар.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, қабул қилинаётган қонунларда ҳавола этилаётган нормаларнинг тез-тез қўлланилишидан иборат эски амалиётдан воз кечишга интилиш — қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги фаолиятида янгича ёндашув бўлди. Бу, пировардида, ҳуқуқ қўлланилиши амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилиб, ижрочиларнинг қонун нормаларини баъзан ўзбошимчалик билан шарҳлашларига барҳам берди.

Фракциямиз аъзолари ўтган йил Халқаро валюта фондининг Ўзбекистондаги миссияси аъзолари ва Корея парламенти делегациялари қабулида бўлиб, уларда мамлакатимиз Қонунчилик палатасининг бугунги фаолияти, Республикада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида олиб борилаётган ишлар, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари, инфляция даражасининг пасайиши, халқ фаровонлигининг ошиши, иқтисодиётга жалб қилинаётган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига маҳсулотларни экспортга чиқариш ҳажми ўсаётганлиги ва Республика давлат бюджети параметрлари тўғрисида қизғин суҳбатлар уюштирди. Худди шундай масалалар ҳақида Франция медиатри, Венгрия омбудсмани вакиллари билан ҳам ҳар икки томонга фойдали мулоқотлар олиб борди.

Палатамиз Регламентининг 62-моддасига кўра, йилнинг февраль, май, ноябрь ойлари охирги ҳафтасида барча фракция аъзолари ўз сайловчилари билан мунтазам учрашувлар ўтказди. Учрашувлар жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Қонунларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу ҳақда фракция аъзолари матбуот, телевидения, радио орқали 217 тадан ортиқ чиқишлар қилишди.

Қонунчилик палатаси фаолиятида назоратга оид ваколатларни амалга оширишга жиддий аҳамият берилиши кўпчиликка маълум. Бунда қонунларнинг ижросини таъминлаш, уларни рўёбга чиқариш самарадорлигини ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонунлар ва қарорлар таъсирчанлигини пухта таҳлил қилиш орқали ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабатларни аниқлаш асосида қонунларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосий мақсад бўлади. Шу нуқтаи назардан палата қўмиталари 2008 йил давомида қонунлар, конвенциялар, миллий дастурлар ижросини назорат қилиш тартибида 40 дан ортиқ масалани кўриб чиқди.

> *Қабул қилинаётган қонунларда ҳавола этилаётган нормаларнинг тез-тез қўлланилишидан иборат эски амалиётдан воз кечишга интилиш — қонун ижодкорлиги фаолиятида янгича ёндашув бўлди.*

Жумладан, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижросини ўрганиш жараёнида қатор камчилик ва нуқсонлар, уларни келтириб чиқарган сабаблар чуқур ўрганилди. Мазкур масала Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва чегараолди туманлари ҳокимликларида чуқур таҳлил қилинди. Камчиликларни бартараф этиш, минтақада ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш борасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Қўмитанинг ушбу масалага доир қарори ҳамда тадбирларнинг бажарилиши назоратга олинди ва вақти-вақти билан қўмитага бажарилган ишлар тўғрисида ахборотлар келиб туриши йўлга қўйилди.

Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ўз қўмиталари томонидан ташкил қилинган 14 та қонун назорат-таҳлил текширувларида фаол қатнашдилар. Хусусан, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Ўрмон хўжалиги тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги каби кўплаб қонунларнинг ижроси тегишли идоралар фаолиятида таҳлил этилди.

Мухтасар айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари худди олдинги йиллардаги каби "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам ўз фаолияти режасида қайд этилган барча вазифаларни бажаришга астойдил киришдилар. Фракция жаҳон молиявий танглигининг салбий омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг реал секторини мустаҳкамлашга, экспорт салоҳиятини оширишга, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий базасини ривожлантиришга оид қонунлар лойиҳалари устида бундан буён ҳам қунт ва сабот билан ишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ ислоҳоти, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакат мудофаа қобилияти ҳамда фуқаролик жамияти институтларини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳам шубҳасиз, "Адолат" СДП фракцияси аъзолари доимий диққат эътиборида бўлади.

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ

халқ фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастур ва ташаббусларни дадил кўтариб чиқишлари лозим

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йил мобайнида муҳокамалар жараёнида партиянинг аҳолининг хоҳиш иродасини ифодаловчи, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир кўрсатувчи воситасига айланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, депутатлик гуруҳларини ташкил этишдан мақсад ҳам партиялар дастурий ғояларини, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, жойлардаги бошқарув органларини олдига долзарб масалаларни қўйиш, юзага келган муаммоларни халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари сессиялари кун тартибига киритиш ва ижобий ҳал этишдан иборат. Уларнинг яна бир муҳим вазифаси — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни доимий таҳлил этиб, тегишли баҳо бериш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастур ва таҳлилларни дадил кўтариб чиқишлари лозим. Зеро, улар қонунчиликка мувофиқ, давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия сиёсатини олиб боришнинг асосий ташкилий воситасидир. Афсуски, айрим депутатларимиз сайловчи олдидаги бурч ва масъулиятларини етарли даражада ҳис этмаяптилар.

— Учрашувларда энг кўп саволлар коммунал соҳага оид бўлаяпти, — дейди «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедов. — Демак, одамларни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этишда бизнинг алоҳида эътиборимиз, фаол ва ташаббускорлигимиз талаб этилмоқда. Ўз ваколатларимиздан фойдаланиб, шу ишга муносиб ҳисса қўшсак, партиянинг нуфузини янада оширамиз. Менимча, депутатлик гуруҳларининг долзарб масалаларга эътибор қаратиши ва жойлардаги аҳвол ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишида партия Кенгашлари жамоатчилик назоратини янада жонлантириш лозим.

«Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши тасарруфида 14 та туман ва 3 та шаҳар партия Кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Партиянинг вилоят Кенгаши вакили Шуҳрат Ибрагимовнинг айтишича, 2008 йил давомида «Адолат» СДП тадбирларини ташкил этиш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда депутатлик гуруҳлари томонидан бирмунча ишлар қилинган. Буни биргина Марҳамат туманидаги «Полвонтош» маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолининг ичимлик суви муаммоси ҳал этилгани, Андижон шаҳридаги «Обод» маҳалласида газ қувури ўтказилгани натижасида аҳоли иссиқ уйларда истиқомат қилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати, Депутатлик гуруҳи раиси, Қўрғонтепа тумани марказий шифохонаси бош шифокори Муроджон Мамадалиев «Нодирабегим» МФЙда аҳоли учун бепул тиббий ижтимоий патронаж ташкил қилди. Бундан ташқари, мактабларнинг моддий базасини яхшилаш, қишлоқларда янги иш ўринларини яратиш, тарбияси оғир, мактабга қатнамаётган ёшлар билан ишлаш, аҳоли орасида камқонлиликнинг олдини олишда ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

> **5-модда. Депутатнинг ҳуқуқлари**
>
> *Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. У тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдириш, тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдириш ҳуқуқига эга.*
>
> **Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунидан.**

«Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши раисининг ўринбосари Пиримқул Дўстмаматовнинг куюнчаклик билан айтишича, вилоятда депутатлик гуруҳлари фаолиятини етарли даражада шакллантирилган, дейиш қийин.

— Сирдарёда халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан 2 нафар депутат сайланган, — дейди Пиримқул Дўстмаматов. — Уларнинг икки нафари Гулистон шаҳрида бўлса, яна бири партиянинг Ховос тумани Кенгашидан сайланган. Айтмоқчиманки, муносиб номзод қанча кўп сайланса, депутатлар гуруҳини тузиш имконияти шунча осонлашади.

Навоий вилоятидан олинган маълумотларга кўра, вилоятда 2008 йил давомида «Адолат» СДП томонидан ташкил этилган учрашувларда кўтарилган ижтимоий масалалар, камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, назоратга олиш учун тегишли идораларга юборилган. Депутатлик гуруҳларининг саъй-ҳаракати туфайли навоийлик кўплаб касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланди, ҳомийлар томонидан кам даромадли оилаларга буғдой, ёғ ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари тарқатилди. Шунингдек, «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши ташаббуси билан вилоят маҳаллаларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Хатирчи туманидаги бир нечта қишлоқларга газ етказиб берилди, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишлари йўлга қўйилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилинди. Вилоят Кенгаши раиси Дўстмурод Холиқовнинг айтишича, айни пайтда қабул қилинадиган Давлат дастури бўйича депутатлик бирлашмалари ҳокимликларга таклифлар билан чиқишмоқда.

Халқ депутатлари барча вилоят, Тошкент шаҳар, ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари фаолияти таҳлил қилинганда, уларнинг ишида ҳали яхлит тизим етишмаслиги, яратилган ҳуқуқий ваколатлар механизмидан самарали фойдалана олмаётгани ҳам кузатилмоқда. Бошқача айтганда, депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳамма жойда ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Хусусан, баъзи депутатлик гуруҳлари доимий режа асосида иш олиб бораётгани йўқ ёки уларнинг туман ва шаҳар Кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялари билан алоқаси мустаҳкам эмас.

Сиёсий партиялардан сайланган депутатлар зиммасида жуда катта масъулият бор. Ҳудудларда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, электорат манфаатини мустаҳкам ҳимоя этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Депутатлик гуруҳлари олдига қўйилаётган вазифалар ҳаётий ва уларнинг бажарилишига халқ ишонч билдирган ҳар бир депутат масъулдир.

Партия ҳаёти ва сиёсат бўлими.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева маъруза қилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Айрим ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш юзасидан депутатлар томонидан киритилган таклифларни муҳокама қилгач, қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ва пировардида Битимнинг кучга кириши Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига Япония инвестицияларини жалб қилишни фаоллаштириш, ўзбекистонлик инвесторлар Япония ҳудудида фаолият кўрсатиши ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг ишончли қонунчилик базасини яратиш имкониятини беради. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар томонидан билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М.Маҳаметова тақдим этди. Таклиф этилган ўзгартишлар фуқароларнинг никоҳдан ўтиши пайтидаги алоҳида ҳолатлар ва шароитларни ҳисобга олиш имконини беради. Қонун лойиҳаси бошқа мамлакатларнинг ўхшаш масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш борасидаги тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон мутахассислари ҳамда экспертларининг фикрлари ва хулосалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Киритилаётган тузатишларни батафсил муҳокама қилгандан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар ва масъул қўмитага уни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ўтган йили парламентнинг қуйи палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатни ривожлантириш концепциясига мувофиқ олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш борасида катта ишларни амалга оширди. Ҳисобот даврида қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назорат қилишга, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, қонунчилик фаолиятининг шакллари ва усулларини такомиллаштиришга, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунга мувофиқ парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллигини оширишга катта эътибор берилди. Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2009 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларини ҳам кўриб чиқдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқида олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устуворликлари белгиланган. Парламент қуйи палатасининг ишида суд-ҳуқуқ ислоҳотини бундан буён ҳам амалга оширишга, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга, мамлакат иқтисодиётининг реал секторини мустаҳкамлашга, шунингдек, ижтимоий соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

✔ Ҳуқуқий маслаҳатхона

Кейинги пайтда "Адолат" газетасида "Адолат" СДПнинг ҳудудий ташкилотлари фаолиятига доир кўплаб мақолалар чоп этилмоқда. Менга мазкур ҳудудий ташкилотлар тузилиши ҳақида маълумот берсангиз.

Икром САЪДУЛЛАЕВ,
Кармана тумани.

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Ҳудудий партия ташкилотлари Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига тегишли ҳолда тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатилади.

Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда ташкилий қўмита тузилади ва бир ой давомида таъсис конференцияси чақирилади. Янгидан тузилган ҳудудий партия ташкилоти қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳудудий субъекти адлия органида рўйхатга олингандан сўнг юридик шахс мақомини олади.

"ВОДИЙГАЗТАЪМИНОТ" ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Фарғонадаги "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тўловларни ундириш, дебитор қарздорликни камайтириш ва қиш мавсумини намунали ўтказиш йўлида қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, корхона газчилари мавсум арафасида вилоят бўйича режадаги 8,7 ўрнига 11,2 километр узунликдаги газ тармоқларини бекаму-кўст таъмирдан чиқардилар.

Шу кунларда улар Қува тумани марказида истиқомат қилувчи истеъмолчиларнинг газ таъминотини янада яхшилаш йўлида Қува ГРСидан (узунлиги 7,4 километр, 273 мм.диаметрли) лупинг газ қувури тортиш жараёнларини қизғин давом эттирмоқдалар.

Бу юмуш ҳам ўз ижросини топгандан сўнг шаҳардаги 10 мингга яқин хонадонда "зангори олов" таъминоти барқарорлашади.

Айни чоғда Данғара туманидаги "Кичик турк", "Ялтир" қишлоқларида ҳам мавжуд газ қувурларини мукаммал таъмирдан чиқариш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Охунбобоев туманининг "Бўстон" қишлоғида Олтиариқ ГРСидан келтирилган 4,0 километрлик газ қувури ҳам "Водийгазтаъминот"чилар хизмати самарасидир. Марғилон шаҳри, Учкўприк, Ёзёвон туманларида амалга оширилаётган мазкур йўналишдаги ҳамма ибратли ишларда ҳам уларнинг алоҳида улушлари бор.

— Президентимизнинг "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлантириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори биз учун муҳим ҳужжат бўлди, — дейди корхона бош муҳандиси Абдуғаффор Кодиров. — Шу кунларда ҳар иккала шаҳарда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бу мақсадлар учун "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ҳисобидан 2008 йил учун режалаштирилган 2,1 миллиард сўм миқдордаги маблағни тўла ўзлаштириб бўлдик. Қилган ва қилаётган барча ишларимиз эл-юрт равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.

Эминжон ЙЎЛДОШЕВ,
«Adolat» мухбири.

Куйи Чирчиқ туманидаги 11-умумтаълим мактабида 1,5 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга мактабнинг тажрибали ва малакали ўқитувчилари фан сирларини мукаммал ўргатишмоқда. Таълим-тарбиянинг замонавий усулда олиб борилаётгани туфайли мактаб ўқувчилари туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган мусобақа ва танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда.

— Китоб ақл калити, — дейди мактаб директори Саидакбар Бобосаидов. — Шунинг учун мактабимиздаги кутубхона фаолиятини тубдан яхшиладик. Натижада ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланишига эришдик.

Суратда: *мактаб директори С.Бобосаидов фан ўқитувчиси Ҳ.Мустафоева ва кутубхоначи Г.Ўрмоновалар билан келгусидаги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.*

Акмал АЛЛАМУРОДОВ олган сурат.

Ислоҳот одимлари

МАҲСУЛОТ ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИДА

Бундан бир неча йил аввал "Бешариқтекстил" акциядорлик жамияти бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бера олмай инқирозга йўл тутган эди. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш мақсадида 2002 йилда корхонанинг йигирув цехи негизида "Бештекс" ўзбек-олмон-турк қўшма корхонаси ташкил этилди. Бироқ кўзда тутилган ишлар етарли амалга ошмаганлиги сабабли унинг ишлаб чиқариш цехлари бутунлай тўхтаб қолди. Хўш, бугун корхонада нима гап?

– 2004 йилда корхона ҳиссадорлари алмашди, - дейди "Бешариқтекстил" корхонаси раҳбари Рустамжон Пўлатов. - Янги лойиҳа асосида йилига 2500 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган ва 2475 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонани ишга тушириш режаси пухта олинди. Унга асосан 9 миллион дона трикотаж маҳсулотлари, "Поло" русумли эркаклар кўйлаги ва футболкалар, шунингдек, аёллар учун трикотаж кийимлар, болалар учун спорт уст-бошлари ишлаб чиқариш режалари ишлаб чиқилди.

Шу йили корхонани капитал таъмирлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Барча цехлар тубдан қайта тикланди. 2007 йилнинг августидан бошлаб эса замонавий машина ва дастгоҳлар сотиб олишга киришилди. Бунинг учун Ислом тараққиёти банкидан 4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Кредит ҳисобига трикотаж цехга Германия ва Хитойдан тўқув машиналари харид қилинди. Шунингдек, бўяш цехига Италиядан янги машиналар ҳамда улардан таҳлиллар олиш учун лаборатория жиҳозлари келтирилди. "Ўзсаноатқурилишбанк"дан ҳам 1 миллион 400 минг еврога тенг миқдорда кредит олинди. Бу маблағга ҳам хориждан замонавий техника ва жиҳозлар харид қилинди.

Бундан ташқари, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония каби давлатлардан тикув, компьютерлаштирилган дизайнер дастгоҳлари, бичиш, қирқиш ва дазмоллаш машиналари олиб келиб ўрнатилди. Натижада қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилди.

Қўрилган бундай чоратадбирлар қисқа фурсатда ўзининг самарасини берди. Айни пайтда корхонада пахтадан юқори сифатли калава иплар йигирилмоқда. Тўқув цехида ҳам ишлар ҳар қачонгидан қизғин. Ўзларининг малакаларини оширган ўнлаб ёш қизлар замонавий дастгоҳларда табиий толадан юмшоқ мато тўқишмоқда.

Тикув цехидаги иш жараёни ҳам киши эътиборини тортади. Тикувчи қизлар Японияннинг "Жуки" тикув машиналарида эркаклар учун ички кийимлар тикишмоқда. Тайёр маҳсулотлар пешма-пеш омборга жўнатилаяпти.

Яна бир гап. Корхона ўтган йил Москва ва Тошкентда бўлиб ўтган халқаро ярмаркаларда ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, хорижлик мутахассисларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Россиялик ҳамда туркиялик ишбилармонлар корхонанинг трикотаж маҳсулотларига харидор чиқишди.

Бир сўз билан айтганда, "Бешариқтекстил" бугунги кунда ўзининг замонавий қиёфасига эга бўлмоқда. Айни дамда 315 нафар ишчи ва хизматчилар фаолият кўрсатаётган корхона ишлаб чиқараётган сифатли маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Соҳиб ТЕМИРОВ,
Бешариқ тумани.

Бугуннинг гапи

СУҒУРТА — СИЗНИНГ ҲИМОЯНГИЗ

бу ҳақдаги қонун эса барча транспорт эгаларининг манфаатларига дахлдор

Маълумки, ўтган йилнинг 22 октябридан "Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Энди фуқаролар бахтсиз ҳодисалар оқибатида ўз мулкларига, яъни автотранспорт воситаларига, шунингдек, ўзлари ва ўзгаларнинг соғлиғига етказилган зарарни суғурта тўловлари орқали юз фоиз ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлишади.

"Кафолат" Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Самарқанд вилояти филиали ходимлари ҳам айни пайтда бутун куч-эътиборни мазкур қонун ижросини таъминлашга қаратмоқдалар.

— Суғурта идорамиз фуқароларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор кўпгина йўналишлар бўйича аллақачон уларнинг ишончини қозонган, — дейди филиал раҳбари Мирзаёр Худоёров. — 2008 йил мобайнида 16 минг 376 нафар юридик ва жисмоний шахс билан шартнома тузилди, 27 миллиард 851 миллион сўмлик суғурта жавобгарлигини зиммамизга олдик.

Дарвоқе, суғурта соҳасидаги янги қонун асосида иш кўлами янада ошиши, 2-3 баробар кўпайиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳам вилоятнинг Пастдарғом, Оқдарё, Булунғур, Пайариқ, Пахтачи ва Самарқанд туманларида филиалнинг янги агентликлари очилди. Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида қўшимча равишда яна 8 та шохобча ишга туширилди. Суғурта вакилларининг сони деярли икки баробарга кўпайтирилди. Эътиборлиси шундаки, барча шохобчалар компьютер, электрон узатув ва интернет алоқаси билан таъминланди. Чунки мижозлардан бир пайтнинг ўзида тушадиган жуда кўп талабномаларни қисқа вақтда расмийлаштириш учун тезкор электрон хизмат зарур!

Бугун филиал ходимларининг аксариятини корхона, ташкилот ва муассасаларда, автохўжаликларда учратасиз. Ҳозиргача юзлаб юридик ва жисмоний шахслар "Кафолат" билан ўзаро шериклик ҳужжатларини имзолади. Суғурта мукофоти (суғурта нархи) тўланганидан сўнг ушбу мижозларга суғурта полиси ва махсус давлат белгилари қўйилади. Худди шу белгининг мавжудлиги сизни жаримага тортишдан сақлаб қолади.

Бундан ташқари, тўлов қобилиятлари турлича бўлган кишилардан етказилган зарарни ундириб олиш муаммога айланмайди. "Кафолат" бу ишни тўлиқ ўз зиммасига олади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Суратларда: *"Кафолат" суғурта компанияси вилоят филиали иш фаолиятидан лавҳалар.*

Муаллиф олган суратлар.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ТЕРМИЗНИНГ «МАДОННА» ГИЛАМЛАРИ

Термиз тижорат бозорига тушганимда кўзни қамаштирадиган ранг-баранг гиламлар диққатимни тортди. Сотувчи аёл тинмай молларининг мақтовини оширарди.

– Қайси биридан оласиз?! «Импортний»сидан дейсиз-ми, оддийсидан-ми? Ҳаммасидан топилади. Бу гиламлар уйингизга нур бағишлайди. Биз, раҳматини эшитсак бўлгани.

Ранг-баранг, турли ўлчамдаги сержило гиламларни кўриб завқингиз ошади.

– Қаршингиздаги гилам Хиваники, ёнидагиси Самарқанд гилами, унинг ёнидагиси Тошкентники, мана бу илиб қўйилгани эса Термизда ишлаб чиқарилган "Мадонна" гиламлар. Қуёш нурида жилваланиб туришини қаранг, – дейди сотувчи аёл Сожида опа Мақсадхонова гиламларга ишора қилиб.

Сожида опанинг мақтовлари бизни "Техно – Текс" Ўзбекистон – Украина гилам тўқувчи қўшма корхонасига етаклади.

Термизлик тадбиркор Пўлат Алпомишовнинг хусусий ишлаб чиқариш фирмаси 1992 йилда иш бошлаган эди. Эски ташландиқ бинони сотиб олиб, вилоятда илк бор гилам тўқиш корхонасини барпо қилди. Дастлаб, ишлари кўнгилдагидек юришиб кетавермади. Бундан 3 йил аввал украиналик ҳамкорлар билан шартнома тузиб, "Техно – Текс" номи билан қўшма корхона ташкил қилди.

– Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда, – дейди корхона раҳбари Пўлат Алпомишов. – Бунинг самарасини корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, гилам тўқишда ишлатиладиган хомашёнинг асосий қисмини юртимиздаги ҳамкор корхона ва ташкилотлардан олаяпмиз. Бу эса маҳсулот сифатининг юқори, таннархининг арзон бўлишини таъминламоқда.

Айни пайт корхонада тўқув дастгоҳларининг 8 таси ишлаб турибди. Ойига 1400-1500 квадрат метр гиламлар ишлаб чиқарилаяпти. Тўқув дастгоҳлари Туркиядан келтирилган. Тўқувчилар гилам тўқиш сирларини Туркиялик гиламдўзлардан ўрганишган. Ҳозирда зеҳни ўткир ёшлар тўқиш сирларини мукаммал ўзлаштиришган.

– Гиламларимиз ўлчами мижозлар буюртмаси билан тайёрланади, – дейди тўқувчи Ҳолида Ҳасанова. – Айниқса, гиламларнинг сифатли ва хушбичим тарзда ишлаб чиқарилаётгани харидорларнинг кўпайишига, қолаверса, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Техно – Текс" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган "Мадонна" гиламлари республикамизда ўз харидорларини топиб улгурган. Айни пайтда қўшма корхонанинг иккинчи цехини ҳам ишга тушириш саъй-ҳаракатлари бошланган. Корхона тўла қувват билан ишлагач, яна 30 та янги ишчи ўринлари яратилади ва ойига 3000 квадрат метр турли харидорбоп гиламлар ишлаб чиқарилади.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири.

26 январь — Ҳиндистон миллий байрами — Республика куни

Жорий йилнинг 26 январида Ҳиндистон миллий байрами — Республика кунининг 59 йиллиги нишонланади. Жанубий Осиёдаги бу мамлакат фусункор тропик табиат бағрида жойлашиб, бепоён ўрмон ҳудудлари, пурвиқор тоғлари, анвойи парранда ва жонзотлари турфа афсона ва ривоятларга мавзу бўлиб келган. Қадимий ҳинд меъморчилиги, ҳайкалтарошлиги ва ранг тасвир санъати ўзига хос жозиба кучига эга. Оппоқ мармардан бунёд этилган гўзал Тож Маҳал обидаси бу заминда асрлардан асрларга ўтиб келаётган улуғвор меъморчилик намунаси ҳисобланади.

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Бундан бир неча юз йиллар муқаддам Буюк Ипак йўли бўйлаб Мавороуннаҳрдан Ҳиндистонга ва бу ердан Ўрта Осиё томонга савдо карвонлари бориб қайтганлар. Тарих ғилдираклари қайси томонга айланмасин, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабат тобора яхшиланиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ҳамкорликнинг янги босқичи юқори поғонага кўтарилди. Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини тан олган ва дипломатик алоқаларни йўлга қўйган илк давлатлардан биридир.

Бугунги Ҳиндистон кун сайин барқ уриб ривожланаётган 28 та штат ва еттита мухторлик ҳудуддан иборат. Мамлакат конституцияси қонуний ҳокимиятни парламент ва штатларнинг давлат кенгашлари ўртасида тақсимлаган ҳамда парламентда қолган ваколатларни бўлиб берган. Дунё мамлакатлари ичида ҳудудига кўра еттинчи ўринни эгаллаган, улкан Ҳимолайга туташ Ҳиндистон рангбаранг манзара ва табиий бойликларга эга. Бу ерда турли соҳаларда кўп-кўп ютуқларга эришилган.

Ҳамиша тинчликпарварлиги билан дунёга танилган бу заминда эркин бозор муносабатлари жадал ривожланмоқда, истиқболда яна ижобий ўсиш уфқлари намоён бўлмоқда. Ҳиндистон иқтисодиётида ташқи савдо ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, кейинги тўрт йил мобайнида экспортдан ялпи ички маҳсулот деярли уч баравар кўпайди. Бундай юксак суръат мамлакатда илгари мисли кўрилмаганди.

Ўзбек-ҳинд муносабатлари ҳақида сўз кетар экан, олимларнинг таъкидлашича, тарих ва адабиёт соҳасида 300 дан зиёд қўлёзма Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли серқуёш юрт олимлари бу кутубхоналардаги ноёб дурдоналар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга бир неча бор ташриф буюриши ҳамкорликнинг ёрқин саҳифаларини очди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг 2005 йил апрелдаги сафарига давлат ташрифи мақомининг берилиши ҳам бу мамлакатга нисбатан юксак эҳтиром рамзи сифатида баҳоланганди. 2006 йилда Бош вазир Манмахан Сингх бошчилигидаги Ҳинд делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи азалдан тамал тоши қўйилган ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлди. Ҳиндистондан келган меҳмонлар сафар мобайнида Ўзбекистон ҳақиқий қадрдон дўстлар диёри эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.



Маълумки, Ҳиндистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон муҳим ўрин тутади. Иккала мамлакатда муштарак қадриятлар эзозланади. Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашда муҳим мавқега эга. Бу юрт айни пайтда таҳдид ва террорчиликка қарши курашда ҳам ўз ўрнини топган. Ҳозирги пайтда Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида дўстона, самимий муносабат таркиб топган. Ҳар икки мамлакат нафақат маданий ва тарихий алоқаларни, балки иқтисодий ҳамда тижорий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида жиддий ишларни амалга оширяпти. Бу борада савдо, иқтисодий, илмий ва технологик ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия ижобий роль ўйнайди. 2009 йилда Нью-Деҳлида ушбу комиссиянинг сессиялари бўлиб ўтади.

Алок ШЕКХАР,
ҳинд журналисти.

Нукусдаги "Қорақалпоқавтотеххизмат" акциядорлик жамияти республикадаги турдош корхоналари орасида пешқадамлик қилмоқда.

ЎЗ ФОЙДАСИ ҲИСОБИГА

Мустақилликнинг сўнгги саккиз йилидан буён белгиланган шартномавий режаларини сурункасига мунтазам ортиги билан уддалаётган жамият корхонасида ҳозир 4 та цех мавжуд бўлиб, уларда 108 нафар киши меҳнат қилмоқда. Мижозлар буюртмасини доим вақтида ва сифатли бажаришга интилаётган жамоа олинаётган фойда ҳисобига яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерда корхона ишчи-хизматчилари учун яратилган ошхона, ҳаммом ва эҳтиёт қисмлари дўкони ёнига автотеххизматчиларининг дам олиш маркази ҳам қўшилди.

Жамоа яқинда мазкур марказда тўрт хил русумдаги хориж енгил автомашиналари кўргазмасини ташкил этди.

Даврон БЕК,
"Adolat" мухбири.

Конституция — инсон қадри ва шаъни

ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ҚОМУСИ

Инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетаркан, Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ давлатимизнинг, халқимизнинг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги тантанали эълон қилинганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Дарвоқе, Конституциямизнинг 43-моддасида Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши қатъий белгилаб берилган. Зеро, ҳозирги кунда дунё миқёсида: "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт", "Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" ҳамда унга илова қилинган факультатив протокол мажмуаси "Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль" деб аталишининг ўзиёқ инсон қадри ва унинг ҳуқуқлари кафолатини тасдиқлаб турибди.

Мустақил Ватанимиз Конституцияси айнан шу ҳужжатларда акс эттирилган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган. Жумладан, унинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" – деб ёзиб қўйилган.

Худди шунингдек, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи миллий қонунчилигимизда мустаҳкам ўрин топган. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, яраштирув институтининг жорий этилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши каби муҳим чора-тадбирлар давлатимизда инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида бўлгани сингари ички ишлар идораларида ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш борасида олиб борилаётган фаолият сезиларли даражада жонланди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида "Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар идоралари фаолияти" деб номланган ўқув курси ташкил этилди. Вазирликнинг бошқа олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида мавзулар киритилди.

Шунингдек, вазирликда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилиб, соҳа махсус юридик маълумотга эга тажрибали ходимлар билан жамланди. Эндиликда тизимда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги барча ишлар ушбу бошқарма томонидан мувофиқлаштириб борилади ва назорат қилинади.

Мухтасар айтганда, Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш кафолати талаб даражасида амалга оширилишига қаратилмоқда.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

КАТТА ЙЎҚОТИШЛАР

Араб давлатлари молиявий инқироз туфайли 2,5 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.

Бу ҳақда Қувайт ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад ал-Сабоҳ араб давлатлари томонидан ўтказилган саммитда маълум қилган. Йўқотишларнинг 40 фоизини эса хориждан инвестициялар олиб кирган бизнесменлар ташкил этади. Вазирнинг айтишича, биржалардаги акциялар баҳоси, нефт нархининг кескин тушиши оқибатида араб тадбиркорлари қарийб 600 миллиард доллар йўқотган.

Қувайтда ўтказилган саммитда давлатлар етакчилари асосий эътиборни жаҳондаги қузатилаётган молиявий инқирозни бартараф этиш ва Фазо секторидаги вазиятни юмшатишга қаратган.

ГОНКОНГ РЕЙТИНГДА ЮҚОРИ

Гонконг кетма-кет 15 маротаба дунёнинг энг эркин иқтисодий шаҳри, деб эълон қилинди.

АҚШнинг «Heritage Foundation» ва «The Wall Street» журнали томонидан дунёнинг 183 мамлакатидаги эркин иқтисодиёт тизими ўрганиб чиқилган. Унга кўра, Гонконг кетма-кет 15 йилдан буён эркин иқтисодий шаҳар сифатида биринчиликни қўлдан бермай келмоқда. Тадқиқотни ўтказишда асосий эътибор савдо-сотиқдаги эркинлик, мамлакатга инвестиция киритиш, ҳукуматнинг иқтисодиётга таъсири, коррупция каби ҳолатлар эътиборга олинган. 2-ўрин Сингапурга насиб этган.

Кучли бешликка шунингдек, Австралия, Ирландия, Янги Зеландия шаҳарлари кирди. АҚШ бир поғона пастлаб, 6-ўрин билан кифояланган. Хитой 132, Россия эса 146-ўриндан жой олган. Рўйхатни Мьянма, Куба, Зимбабве ва Шимолий Корея давлатлари шаҳарлари якунлаб берган.

БИР ЙИЛДАН СЎНГ

Руандада собиқ адлия вазири умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Кигали суди томонидан Руанданинг собиқ адлия вазири Агнес Нтамабиариро 1994 йилда аҳолига нисбатан амалга оширган геноцит ишлари учун умрбод қамоқ жазосига тортилган.

Бир йиллик суд жараёнидан сўнг, айнан унинг буйруғи билан Бутаре шаҳридаги Жан Баптиста туманида «оммавий тозалаш» ишлари олиб боргани ўз тасдиғини топган. Халқаро ҳамжамият ҳам Руандадаги геноцит инсониятга қарши қаратилган жиноят эканлигини айтган. БМТ маълумотларига кўра, ўшанда қарийб 100 минг одам ҳалок бўлган.

61 ёшли Нтамабиариро 1997 йил 27 майда Замбияда қўлга олинган.

✔ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ҚАДИМ КЕНТ БОЗОРЛАРИ

истиқлол йилларида янада чирой очиб, ўзининг замонавий қиёфасига эга бўлди

Тошкент — азалдан Буюк Ипак йўлида жойлашган сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказлардан бири бўлган. У муҳим жуғрофий ўринда — Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўлида жойлашгани сабабли бу ерга ҳар йили юзлаб-минглаб савдо карвонлари келиб турган.

XIX аср ўрталари — XX аср бошларида Тошкент бозорларида Россия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Қашқар, Ўрта Осиё хонликлари, бошқа хорижий ўлкалардан кўплаб савдогарлар келиб туришган. 1739 йили Тошкентга келган биринчи рус савдо карвони бошлиғи Карл Миллернинг ёзишича, энг катта бозор шаҳарнинг марказий қисмида бўлиб, уни Регистон деб аташган. Айрим тарихий манбаларда эса Тошкентнинг энг катта бозори шаҳар ўртасида, тўрт даҳа кесишган ерда жойлашгани, уни Жўба бозори, деб аташгани таъкидланади.

1800 йилда Тошкентда бўлган россиялик тоғ-кон муҳандислари – Бурнашев ва Поспеловлар "шаҳар ўртасида жойлашган бозор кенг майдондан иборат бўлиб, савдогарлар учун молларига қараб раста ва дўконлар қурилган", деб ёзсалар, 1813 йили Тошкентга элчи бўлиб келган Ф.Назаров шаҳарни "турли мамлакатлардан узлуксиз карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо пункти" дея таърифлаган.

Ҳақиқатдан ҳам шарқ дарвозаси аҳолиси ҳаётида савдо-сотиқ ишлари муҳим ўрин эгаллаган. 1871 йилда шаҳарнинг эски ва янги қисмида мазкур соҳа билан шуғулланувчилар сони қарийб 44 минг кишини ташкил этган.

1867 йили шаҳар бозори майдони кенгайтирилиб, дўконлар кўпайтирилган, расталар сони ошган. Ўша йили Россиядан жуда катта миқдорда турли маҳсулотлар келтирилган. Айни пайтда Тошкентдан Россия шаҳарларига ҳам кўплаб маҳсулотлар чиқарилганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган.

Ўзбекистон мустақиллиққа эришгач, мамлакатимиз бозорларини янада обод қилиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юртбошимизнинг 1996 йил 5 мартдаги "Бозорлар фаолияти ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бозорларга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Республикадаги барча бозорлар қайта қурилди, таъмирланди, сотувчи ва харидорлар учун зарур шароитлар яратилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун пойтахтимиз бозорларининг шарқона меъморий кўриниши, кўрки-таровати ўзгача. Улардаги ширин шакар мевалару кундалик турмуш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларнинг мўл-кўллиги ҳар бир харидорни, шу жумладан, ажнабий сайёҳлару, меҳмонларни ҳам асло бефарқ қолдирмайди. Шаҳарнинг 2200 йиллик тўйи арафасида қадим кентнинг бозорлари янада чирой очиб, обод ва маъмур бўлади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ.

✔ "Адолат" зиёкори

ИЛМУ ФАНГА БАХШИДА УМР

Илм олиш — рўзғор юмушларидан ортиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай, тинмай изланиш талаб қилинадиган вазифа. Бунинг учун кишида улкан салоҳият, сабру қаноат, шижоат ва фазлу каромат каби хислатлар намоён бўлиши керак. Ана шундай мўътабар касб эгаларидан бири — "Адолат" СДП аъзоси, адабиётшунос олима Муҳаббат Шарафутдиновадир. У бугунги кунда Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг Публицистика ва адабиётшунослик кафедраси мудири лавозимида ишлаб келаяпти.

У отаси – машҳур ва таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафутдинов изидан бориб, адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устозларимиздан. "XX аср ўзбек адабиёти жаҳон анъаналари контекстида" номли йирик асари, 50 дан ортиқ илмий мақолалари бунга яққол мисол бўла олади. Уларнинг аксарияти хорижий тилларга ҳам таржима қилинган. У доимо изланишда. Масалан, академик ва адабиётшунос Бахтиёр Назаров, навоийшунос олима Суюма Ғаниева ҳамда бир қатор ёзувчилар билан ҳамкорликда махсус курс – маҳорат мактабини ташкил қилишда бош-қош бўлди.

Муҳаббат Шарафутдинова оилали, тўрт нафар фарзанднинг севимли онаси. Уларнинг илм олишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё.

Чунончи, қизи Шаҳноза Тўйчиева онаси йўлидан бориб, адабиётшунос мутахассислигини эгаллади. Умуман, бу оилани зиёкорлар оиласи деса бўлади. Умр йўлдоши Фатхулла Эргашев ҳам етук тарихчи олим.

Суратда: *олима Муҳаббат Шарафутдинова оила аъзолари билан.*

✔ Маданият хабарлари

"САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ"

Тамарахоним уй-музейида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ташаббуси билан Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгаши ҳамкорлигида "Санъатимиз фидойилари" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларимизда яшаб ижод этаётган, бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантиришга, иқтидорли ёшларни кашф этиб, уларни санъат йўлида тарбиялаш ва тарғиб этишга муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган устоз санъаткорлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Муродилла ҒОФУРОВ,
"Adolat" мухбири.

* *

БУХОРО АРКИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Мамлакатимизда истиқлолдан сўнг миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган тарихий обидаларни келажак авлодга бус-бутун етказишга алоҳида эътибор берилаётир. Шу боис, таъмирталаб меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш, уларни асл қиёфасига келтириш учун амалий чоралар кўрилаяпти. Чунончи, халқимизнинг маънавий мероси ва ғурурига айланган Бухородаги қадимги Аркнинг ёши тахминан 25 асрдан ошган бўлиб, таъмирга жуда муҳтож эди. Бу хайрли тадбирга республикамизнинг етук мутахассислари жалб қилиниб, иш поёнига етказилди. Бугунги кунда тарихий обида ўтмишдаги кўринишга эга. Эндиликда у шаҳар аҳли ва дунё сайёҳлари учун хизмат қилмоқда.

Самарқандда Наврўз умумхалқ байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб "Қалбимда Ватан мадҳи" номли эстрада хонандалари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган 60 нафардан ортиқ санъаткорлар, ҳаваскор эстрада хонандалари ўз иқтидорларини синаб кўрдилар.

"ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ"

Мазкур танлов миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва уни юқори поғонага кўтариш орқали ёш авлод онгу шуурида она Ватанга бўлган меҳрни янада ошириш ҳамда Наврўз байрами, шунингдек, бош шаҳримизни шарафлайдиган янги қўшиқлар яратиш мақсадида ташкил қилинди.

Вилоят босқичида ғолиб бўлган санъаткорлар Республика танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ҳусан БУРХОНОВ,
Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими.

Мулоҳаза

УЛОҚМИ, ЭЧКИЧА?

Қишлоқдан меҳмон бўлиб келган тоғам Тошкентда туғилиб ўсган болаларим билан эринмай суҳбатлашиб ўтирарди. Бирдан қизим Зилолахон олдимга югуриб келиб:

– Дадажон, она туяни нима дейишади? – деб сўраб қолди.

– Шуниям билмайсанми? – дедим мен.

– Йўқ! Кеча зоология дарсида ўқитувчимиздан сўрасам: "Она туя" дедилар. Тоғам бўлса: "Сен ҳам, домланг ҳам билмас экансиз", деб бизнинг устимиздан кулаяптилар, – деди.

– Моя, дейди қизим, – деб жавоб бердим.

Мендан бу гапни эшитган қизим тоғамнинг олдига чопқиллаб кетди. Бироздан кейин қайтиб келиб: "Тўғри айтибсиз, тоғам: яхшиям, даданг билар экан, дедилар" деди бидирлаб.

Мен меҳмонхонага – уларнинг олдига кирдим. Тоғам менга қараб, мийиғида кулиб қўйди. Сўнг:

– Болаларинг табиатдан узоқлашиб кетибди. Юзта савол бериб, аранг ярмига жавоб олдим. Бу қанақаси? – деди ранжиб.

– Ҳа, сиз ҳақсиз. Табиатдан узоқлашиб кетаяпмиз. Уйимиз тўла қўғирчоқ кучукча, айиқча, мушукча... Гулдонлардаги гуллар ҳам сунъий, – дедим тоғамнинг гапини қувватлаб.

– Болаларинг туядан моянинг, эчкидан улоқнинг фарқига боришмайди. Улоқ ҳам, чибич ҳам эчкича эмиш. Уларнинг жавобларини эшитиб, хунобим ошиб кетди. Ахир, болаларни табиат билан таништириш керак, ҳайвонларнинг, дарахтлар, ўт-ўланларнинг номини, фойдали, зарарли томонларини улар билиши зарур, – дея куюниб гапирди тоғам.

Дарҳақиқат, ҳозирги замонда илм-фан юксак даражада ривож топди. Жаҳоншумул кашфиётлар юзага келди. Оғиримиз енгил, узоғимиз яқин бўлди. Бироқ, кўпчилик, айниқса, шаҳарлар аҳолиси она табиатдан бир қадар йироқлашди. Урбанизация – кўп сонли аҳолининг шаҳарлашиши ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Табиатга ошуфталик инсонга завқ-шавқ бағишлаши сир эмас. Фарзандларимиз қалбида она табиатга меҳр уйғотиш учун эса, аввало, уларни кўпроқ тоғ ва далаларга олиб чиқиш, набобот ва ҳайвонот оламига мурувватли бўлиш руҳида тарбиялаш лозим. Бу ёшларни табиат билан ошно этишда ғоят самарали омил бўлиши, шубҳасиз. Акс ҳолда, шаҳарлик болалар эчкининг улоқдан фарқига бормай қолишади.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

✔ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2008» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда Ёшлар йили деб номланган 2008 йил ҳам тарихга айланди. Ўтган йили мамлакатимизни изчил тараққий эттириш ва модернизация қилиш, бошланган ислоҳот ва ўзгаришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган бу ютуқларни, ҳамюртларимизнинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган Сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2008» танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2008 йилнинг июнидан 2009 йилнинг июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар жорий йилнинг 1 июнигача қабул қилинади.

Материаллар таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга, муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2008» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар.
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
E-mail: **ijod@sarkor.uz** www.Journalist.uz

"Совпластитал" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси "Италфуд" қўшма корхонаси директори ўринбосари Сурейе Халисовна Адиловага укаси **Хусан Махкамов**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

13 БАХТСИЗ РАҚАМ...МИ?

Негадир кўпчилик кишилар 13 рақамини бахтсиз рақам, деб ҳисоблашади. Баъзи мамлакатлардаги айрим меҳмонхоналарнинг 13-қавати бўлмай, қаватларда 12-дан сўнг 14-қават келади. Баъзи меҳмонхоналарда 13-хона бўлмаса, айрим кишилар ойнинг бундай санасида ҳеч қандай муҳим иш белгилашмайди...

Бироқ бу рақамнинг нега бахтсиз эканлиги борасида фақат тахминлар бор, холос. Айтишларича, одамлар илк бор санашни ўрганганларида икки қўл бармоқларини доналаб, уларга қўшиб эса икки оёқни яхлит санашган ва 12 сони келиб чиққан. Шунда 13-рақам бўлмаслиги керак, йўқса, бахтсизлик бўлади, деб ўйлашган. Яна бир тахминга кўра, бу христиан мифологияларида машҳур бўлган "Сирли кеча" билан боғлиқ. Яъни Исога хоинлик қилган 13-ҳаворий бахтсизлик келтирган, деб қаралади. Бундан ташқари, бу ҳақда кўплаб тахминлар мавжуд. Энг қизиғи шундаки, бу рақамни бахтсиз деб ҳисоблаш асосан Европа халқларига таллуқли бўлиб, бошқа мамлакатлар, хусусан Хитой ва Мисрда унга бахт келтирувчи рақам сифатида қарашган.

Бахтиёр ЁҚУБОВ
тайёрлади.

Ҳажвий ҳикоя

Антонио АМУРРИ (Италия)

МЕНИНГ ПАЗАНДА ХОТИНИМ

Менинг хотиним қулинг ўргилсин пазанда. Айниқса, қандолатпазликда унинг олдига тушадигани топилмайди. Лаббай? Ҳа, унинг маҳорати сирларидан бехабарман дейсизми? Афсус, очиғи, сизга раҳмим келаяпти. Келинг, сизга бир яхшилик қилай. Ҳозир мен хотинимнинг пишириқ тайёрлаш йўл-йўриқлари битилган сирли дафтарини олиб, ундан бир варағини шундоқ қоғозга кўчириб, сизга етказай, бироқ хотин билмасин.

Марҳамат, диққат қилиб ўқинг!

Чуқурроқ товани олиб, ювиб тозаланади. Ошхонадан Дзетани (Дзета итимиз. Муаллиф изоҳи.) қувиб чиқаради. Столдан Лоренцонинг ўйинчоқларини йиғиштиради. Икки юз грамм крахмал тайёрланади. Лоренцонинг қўлидаги ун солинган халтани тортиб олади. Тўкилган ун-урвоқлар супириб-сидириб тозаланади. Қўшнига сим қоқиб, озгина ун бериб турмайсизми, деб сўралади. Унни элакка солиб элаб, ичидан Франконинг мошинчаларини териб олади. Робертога музхонадан бир жуфт тухум келтир, дейди. Тухумларни уриб чақиш учун товоқча олади. Ўзи бориб музхонадан иккита тухум келтиради ва йўл-йўлакай Роберто тушириб синдирган тухумларни йиғиб, пояндозни ҳўл латта билан артиб тозалайди. Франкони чақириб, телефонга жавоб бер, дейди. Робертога қичқиради: телефонни кўтар! Ўзи боради телефонга. Трубкадаги ун билан ёғ доғларини қириб тозалайди. Ошхонага қайтади. Лоренцонинг қўлидан ун билан тухум қорилган товоқчани тортиб олади. Робер-

то, эшикни оч, дейди. Шу гапни Франкога айтади. Охири ўзи бориб эшикни очади. Орқа эшикдан кирақол, дейди Валентинага, уни очиш ўнғайроқ. Эшик тутқичидаги ун ва тухум юқини қириб тозалайди. Ошхонага қайтади. Ёғланган товадаги тузни қоқиб ташлаб, Лоренцонинг қўлидан туз қопни олади. Ҳадеб Дзетага овқат егизаверма, тухум қорилган ундан ёрилгудай еди, деб Валентинага қараб бақиради. Крахмал солинган товоқчани Лоренцонинг қўлидан юлқиб олиб, юзига бир шапалоқ тортади. Лоренцони овута бошлайди, билмай қолибман, кечир, деб ёлворади. Товоқчани крахмали билан унинг олдига қўяди, бир стакан сут ҳам бериб, майли "ширинкулчангни" пиширавер, дейди. Бошқа това олиб ёғ суради. Робертонинг кетидан чопади. Майиз солинган халтани жойига қўй, деб бақиради унга. Хамиртуришни қидиради. Баққолга сим қоқиб, хамиртуриш буюради. Трубкага ёпишган хамир юқини қириб тозалайди. Ошхонага қайтади. Столдаги нарсалар ер билан битта бўлиб, сочилиб ётганига, Лоренцо бошдан оёғигача оппоқ унга беланганига ҳечам ажабланмайди. Дзетани чақириб, ердаги ун, тухум юқларини ялатиб тозалатади. Қандолат дўконига сим қоқиб, торт буюради. Бир дона бош оғриқ дори ичиб тўшакка чўзилади. Эри ишдан қайтгач, ундан аламини олади.

Аҳмаджон ОТАБОЕВ
таржимаси.

«СИРИ» ФОШ БЎЛДИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бироқ, тўғри йўл туриб, қинғир йўллар орқали осон пул топиб бойиб кетишни ўйлаганлар оз бўлсада, орамизда учраб тургани ачинарли ҳолдир.

Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани Атоий кўчасида яшовчи Т.Абдуазим чет давлатларда ишлаб чиқарилган уйрўзғор юмшоқ мебелларини сотиш мақсадида Мирзо Улуғбек туманидаги Қори Ниёзий кўчасига олиб чиққан эди. У маҳсулотларини кўзкўз қилиб турганида харидор ҳам топилди. Мебелларини 8400 АҚШ долларига пуллади. Ушбу жараён департамент ходимларида шубҳа уйғотди ва бу ҳолатга чек қўйилди. Текширув якунида Т.Абдуазим тахминий нархи 11.400.000 сўмлик юмшоқ мебелларга тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмади. Шу боис сотилган мебель масаласи қонуний ҳал бўлгунча далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Сохта тадбиркорнинг "сири" фош бўлди. Ҳалол ишлаб, ҳалол пул топганга не етсин!

Жасур ҲОШИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДҲҚ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори.

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАФОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи муҳаррир – Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи – Давур ЖОЗИЛОВ
Саҳифаловчи – Собиржон ТУНҒАТОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 01. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 3829. Босишга топшириш вақти – 23.00. Босишга топширилди – 01.10 1 2 3 4 5 6 8